



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (12.068)

Баҳоси эркин нарҳда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 январь куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари учрашувда Корея Республикаси Ўзбекистон учун вақт синовида ўтган ва ҳар томонлама ишончли стратегик ҳамкор бўлиб келгани ва шундай ҳамкор бўлиб қолаётганини, мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда чуқур модернизациялаш бўйича йирик миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этишда изчил қўллаб-қувватлаб келаётганини таъкидлади.

Пак Хи Тэ Ўзбекистон Президентини 29 январь куни нишонланган давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан самимий қутлади. У Корея Республикаси раҳбарияти ва Миллий Ассамблеяси мамлакатларимиз ўртасида қарор топган конструктив ва самарали давлатлараро муносабатларни юқори баҳолашгани, икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея бугунги кунда сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплади. Бу узок муддатли ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш учун пухта замин яратмоқда. Томонлар ўртасида салмоқли ва кўп қиррали шартномавий-ҳуқуқий асос яратилган.

Корея Республикаси Президентини Ли Мён Бакнинг 2011 йил август ойида Ўзбекистонга давлат ташири мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувларнинг мантйқий давоми бўлди ва томонларнинг ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этиш йўлидаги қатъий сиёсий азму шижоатини яна бир бор намойиш этди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур ташир чотида икки мамлакат раҳбарлари «Сурғил» кони негизда ўз кўлами ва жалб этилаётган янги технологиялар бўйича мислсиз бўлган, қиймати 2,6 миллиард АҚШ долларига тенг

Устюрт газ-кимё мажмуи курилиши лойиҳасини амалга оширишга старт бердилар.

Учрашувда юқори даражадаги парламентлараро алоқалар Ўзбекистон — Корея муносабатларини изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Томонлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик барқарор кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Ўтган йилнинг 11 ойи давомида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жанубий Корея томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган сармоялар ҳажми 5 миллиард, шундан ўзлаштирилганлари эса 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокида тузилган 350 дан зиёд корхона фаолият юритмоқда.

Навоий шаҳри халқаро аэропорти худудидаги трансконтинентал интермодал хабни бошқараётган «Кореан Эйр» авиакомпанияси фаолияти айниқас диққатга сазовордир. Бу ердан ҳар ҳафтада Осиё ва Европанинг йирик минтақавий иқтисодий ва молиявий марказларига 24 тагача парвозлар амалга оширилмоқда. Жанубий Корея бизнеси вакиллари «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантиришда фаол иштирок этиб, ўзаро манфаатли қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Тонг боқиралиги ўлкаси билан маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривож топаёпти. Хусусан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) дастурлари доирасида Ўзбекистон вазирлик ва идораларининг бир ярим мингга яқин вакили Корея Республикасида малака оширди.

Оқсаройдаги учрашув чоғида Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг истиқболли йўналишлари бўйича атрофлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ

Кичик бизнес



## ИМКОНИАТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

**1998 йилда ташкил топган «Quality Produkt Manufacturing» масъулияти чекланган жамияти ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган корхоналар сирасига киради.**

Корхона фаолияти давомида ўзининг сифатли маҳсулотлари билан харидорларини топишга улгурди. Мазкур корхонада ҳозирда «Тоза чой» номи остида 95, 110 навли курук чой маҳсулотлари қадокланмоқда. Улар истеъмолчилар талабига тўлақонли жавоб беради, сифат жиҳатдан ҳар қандай чой маҳсулотлари билан рақобат қила олади.

— Италия технологиялари асосида қадокланаётган чойларимизнинг асо-

сий қисмини Хитой, Шри Ланка, Хиндистон давлатларидан олиб келамиз — дейди корхона раҳбари Жамшид Асадов. — Мижозларга қулайлик яратиш ҳамда харидорлар сонини кўпайтириш мақсадида бир қанча янги лойиҳалар устида изланмоқдамиз. Яқинда хориздан чойларни 2 граммли қилиб қадоклашга мўлжалланган янги ускуна олиб келдик. Ҳозирда уни ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Тез

кунларда янги турдаги қадокланган чойларимиз истеъмолчиларга етказиб берилади.

Шунини таъкидлаш кераки, ҳозирда корхонанинг қадоклаш бўлимида 12 нафар ишчи-ҳодим фаолият юритмоқда. Режага кўра яқин фурсатда турли мевадан таъмини берадиган чой маҳсулотларини тайёрлаш кўзда тутилган.

**Равшан ЮНУСОВ**  
Козим Ўлмасов олган сурат

## Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллигига ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид фармойишига мувофиқ мамлакатимиз журналистлари ўртасида эълон қилинган «Ватан азият, жасорат мангу» республика танлови якунланди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Мирзаев, Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари Ҳ.Абдулазизов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси Ф.Абдухолиқов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентлик-

ларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раиси А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, замонавий миллий армияни шакллантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар моҳияти ва самараларини кенг тарғиб этиш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бу борадаги эзгу ишларда журналистлар ҳам

фаол иштирок этмоқда, оммавий ахборот воситаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги материаллар сони ва салмоғи тобора ошиб бораётган.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш

жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Ватан азият, жасорат мангу» танлови ҳам ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. Ижодий кўрик ёш авлод қалбида ватанпарварлик ва жасорат туйғулари қарор топтириш, миллий армиямиз салоҳиятини намойиш этиш, «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» деган ғояни янада кенг тарғиб-ташвиқ этишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицейда

«Ўқув-тарбияни самарали ташкил этишда янги инновацион педагогик технологияларни қўллаш» мавзусида анжуман ташкил қилинди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида тиббий кўрик ўтказилди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан академик лицейлар ва касбухона коллежлари битирувчилари учун кўрик-танлов ташкил этиш мақсадида семинар бўлади.

**XXI** савдоси  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Мамлакатимизга ташир буюрган Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Хи Тэ раҳбарлигидаги делегация аъзолари кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар кўплаб йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

• Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганишга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида ўтказилган тадбирда Президентимиз асарининг мазмун-моҳияти, илмий-назарий аҳамияти, ёшлар тарбиясида тугган ўрни ҳақида сўз юритилди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ёшларни бўлғуси армия хизматида жисмоний, техник ва маънавий жиҳатдан тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани алоҳида таъкидланди. Тадбирда ташкилотнинг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳамда депутатлар иштирок этди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида замонавий сув тақсимлаш иншоотининг ишга тушиши билан Навоий ва Шаббоз қишлоқларидаги 1500 дан ортиқ ҳонадонга зилол сув кириб борди. Ушбу хайрли иш учун 2 миллиард 49 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

## ЖАҲОНДА

• Кеча Индонезиянинг Суматра ороли атрофида 7,3 балли кучли зилзила содир бўлди. Натижада ҳар эҳтимолга қарши қирғоқ атрофидаги ҳонадонлар аҳли хавфсиз жойларга кўчирилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, цунами хавфи йўқ.

• Эрондан импорт қилинадиган нефтга эмбарго қўйиш масаласи 23 январда Брюсселда бўлиб ўтадиган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги анжуманда ҳал этилади.

• Хитой Эрон нефть секторига нисбатан белгиланадиган санкцияларни қўллаб-қувватламаслигини маълум қилди.

• Грецияга тегишли «Рена» юк ташувчи кемаси ўтган йилнинг октябрь ойида Янги Зеландиянинг шимолий соҳиллари яқинида кумга чўкиб қолганди. Куни кеча денгизда рўй берган кучли довул туфайли ушбу кема иккига бўлиниб кетди. Таъкидлаш жоизки, кеманинг бўлиниши натижасида соҳилга 350 тоннадан ортиқ нефть тўқилган. Янги Зеландия расмийлари ушбу ҳодисадан мамлакатнинг Тауран сайёҳлик шаҳрига жиддий зарар етишидан хавфсирашмоқда.

• Молиявий пирамида асосчиси С. Мавроди фаолияти юзасидан Латвияда полиция томонидан текширув ишлари бошланди.

• 1912 йилда Атлантика океанида чўкиб кетган машҳур «Титаник» кемасидаги 5 мингтадан ортиқ буюм Нью-Йоркда ўтказиладиган кимовши савдосига қўйилдиган бўлди. Улар орасида кема корпуси, руль чамбараги, йўловчилар ва экипаж аъзоларининг шахсий буюмлари ҳамда ошхонадаги чин идишлар бор.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2012 йилги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросининг таъминланиши, жумладан, соҳаларда 2011 йил учун белгиланган кўрсаткичлар, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг ба- жариллиши, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик Палатасининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган йиғилишдаги маърузаларида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

2011 йилда комплекс бўйича жами 2 триллион 937 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Уши суръати 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 122,4 фоизни ташкил этди. Аҳолига 1 триллион 614 миллиард (120,5%) сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 315,5 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 214 фоизга бажарилиди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 162,6 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида комплекс таркибидagi вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилган иш-

лар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига расмий веб-сайтлар орқали ахборот бериш ва интерактив хизматлари кўрсатишни кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, 2011 йилда болалар спорти объектлари, сузиш хавзалари ва болалар мусика ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш манзилли дастурларининг бажарилиши, спорт объектларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни ўқув адабиётлари, дарсликлар билан таъминлашни янада яхшилаш, касб-хунар коллежлари 3-курс ўқувчиларининг аниқ иш жойларида ишлаб чиқариш амалиёти ўташини ташкил этиш, бу йўналишда таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини такомиллаштириш борасидаги ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Комплекс йиғилишида давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органларида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг ҳолати, соғлиқни сақлаш тизимида хусусий тиббиёт муассасаларининг ҳозирги аҳоли ва истикболдаги режалар, республикада педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари фаолиятини янада яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўйилган устувор вазифалар ижросини оғишмай амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

## ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловга Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёрлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, осмонимиз мусаффолигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати ҳар томонлама кенг ёритилган журналистик материаллар қабул қилинди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига бағишланган мазкур танловга телевидение, радио, матбуот, интернет журналистика йўналишлари бўйича юздан зиёд журналистдан бир ярим мингга яқин ижодий иш тақдим этилди. Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мустақил ижодкорлар иштирок этди.

Танлов ғолибларига замонавий ноутбуклар, 2-ўрин соҳибларига компьютер тўпламлари, 3-ўринни эгаллаганларга замонавий рақамли телевизорлар топширилди.

Бир қатор журналистлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан таъсис этилган рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Мамлакатимизда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида қалам тебратувчи журналистлар сафи кенгайиб, бу борадаги публицистик-таҳлилий материаллар сони ва савияси ошиб бораётган, дейди «Ватанпарвар» газетаси бош муҳаррири Алижон Сафаров. Давлатимиз томонидан миллий журналистика ривожига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани бунда муҳим омил бўлаётган. Буларнинг барчаси биз, журналистларни янада масъулият билан ижод қилишга, тинч-фаровон ҳаётимиз ҳимоячилари фаолиятини янада кенгроқ тарғиб этишга ундайди.

Тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучларини, юртимиздаги тинчлик ва фаровонлиқни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Анвар САМАДОВ,  
ЎзА мухбири

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

**Босма оммавий ахборот воситалари:**

**1-ўрин**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги нашри — «Ватанпарвар» газетаси жамоаси (бош муҳаррир — Алижон Сафаров)

**2-ўрин**

Елена Кузнецова — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бирлашган тахририяти бўлим мудири

**3-ўрин**

Баходир Валиев — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати бош мутахассиси

**Телевидение:**

**1-ўрин**

«Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ «Ватанпарвар» кўрсатуви ижодий гуруҳи (гуруҳ раҳбари — Хулқар Тўраева)

**2-ўрин**

ЎзНТТ ахборот маркази (марказ раҳбари — Жасур Шерматов)

**3-ўрин**

Дилноз Муртазаева — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телерадиоканали муҳаррири

**Радио:**

**1-ўрин**

Гулмира Ражабова — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар бош муҳарририяти муҳаррири

**2-ўрин**

Алижон Холлов — Фарғона вилояти телерадиокомпанияси «Фарғона» радиоканали муҳаррири

**3-ўрин**

Аминбой Давлетов — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Машъал» радиоси катта муҳаррири

**Интернет-журналистика:**

**1-ўрин**

Холмурод Салимов — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг маҳаллий ахборот тахририяти бош муҳаррири ўринбосари

**2-ўрин**

Зухра Оймаматова «Қашқадарё» газетаси бўлим муҳаррири

**3-ўрин**

Камиль Миргалаутдинов — «Правда Востока» газетасининг масъул котиби ўринбосари

**Рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари:**

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:**

- Қиличбой Ажибаев — «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг махсус мухбири
- Раҳим Мақсудов — «Қизилтепа тонги» газетаси муҳаррири (Навоий вилояти)
- Гулмира Отажоновна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:**

- Хуршид Рўзиев — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлиминининг ОАВ билан алоқалар гуруҳи инспектори
- Саъдулла Шодиев — «Постда» — «На посту» газеталари ва «Қалқон» — «Шит» журнали бирлашган тахририяти бўлим мудири
- Гулзат Курбонова — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли «Вақт» — «Время» газеталари мухбири

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:**

- Комилжон Абдунабиев — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбари
- Сергей Левченко — «Народное слово» газетасининг бўлим мудири
- Бехзод Кодиров — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси аъзоси «Ишонч» телерадиокомпанияси «Ёшлар» студияси мухбири (Сурхондарё вилояти)

## ХАЛҚ БАНКИДА — ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИ

**Республика халқ банкида янги хизмат тури жорий қилинди. Бу ихтиёрий нафақа жамғариш хизмати бўлиб, фуқароларга маблағ жамғаришда янги имкониятларни яратди.**

Ихтиёрий нафақа жамғармаси — бу фуқароларнинг ўзи томонидан ёки ходимлар учун ташкилотлар томонидан нафақа жамғармасига қўшимча тарзда маблағ ўтказиш усулидир.

Банк матбуот-ахборот хизмати хабарига кўра, ихтиёрий жамғарма тизими миқдорлари қатор қўшимча имкониятларни ҳам қўлга киритади. Улардан ихтиёрий жамғармага ўтказиладиган чегирма учун сўм миқдоридagi даромад солиғи ушланмайди. Шунингдек, миқдорлар энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган чораклик омадли пул ютуқларини қўлга киритиши мумкин.

Ихтиёрий нафақа жамғармасининг миқдори чекланмаган ва бу маблағ миқдорининг ойлик маошидан ўтказилса даромад солиғи ушланмайди.

Ихтиёрий нафақа жамғармаси фоизлари фуқароларга пенсия тайинланганидан сўнг берилади. Шунингдек, миқдорнинг доимий яшаш жойини ўзгартириб, чет элга кўчиб кетиши, вафот этиши ёки ногиронлик ҳолатларида жамғарилган маблағ унинг меросхўрига берилади.

«Туркистон-пресс»

**«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли Тошкент темир йўл техникаси музейи экспонатларга бой. Узоқ тарих ва ўтмишни ўзида мужассам этган ушбу музейда ўтган асрда Россия, Германия каби давлатларда тайёрланган турли русумдаги паровоз, тепловоз ва электровозлар, вагонлар ҳамда таъмирлаш-қурилиш техникалари намуналари намойиш қилинмоқда.**

## ЭКСПОНАТЛАРДА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРИХИ

Бугунги кунда мазкур маскан Техник музейлар Бунтжаҳон ассоциациясига темир йўл йўналиши бўйича аъзо бўлган ва намойиш этиладиган экспонатлари билан дунёдаги шу каби эътибор қозонган музейларидан бирига айланган.

Унинг таркибига Ўзбекистон темирйўллари барпо этиш тарихидан ҳикоя қилувчи «Вагон музейи» ташкил этилди. Унда Марказий Осиё ҳудудида илк темир йўлнинг қурилиши билан боғлиқ турли хил фотосуратлар, хариталар, алоқа воситаларига кенг ўрин берилган. Музей ҳудудида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Барча экспонатлар қайтадан таъмирланди, ёриткичлар аниқлиги билан алмаштирилди.

Ушбу ҳудудда мини вокзал ва перронлар ташкил этилди. Бу ерда қатнаётган махсус саяхат поезди сайёҳлар учун музей бўйлаб экскурсияларни амалга оширишда қулайлик яратди.

Ақбар АЛИЕВ

**Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш самаралари санаотнинг жадал ривожланётганида яққол намойён бўлмоқда. Саноат тараққиёти юрт равнақини таъминловчи муҳим омилдир. Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан ишлаб чиқариш тармогини ривожлантириш, ишбилармон ва тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

## Саноат

## МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Бу борадаги ислохотлар, айниқса, кейинги йилларда янада кенг қамров касб этиб бормоқда. «Ариптех» масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. 2003 йилдан буён фаолият кўрсатаётган мазкур корхона сўнгги икки йилда маҳаллийлаштириш дастури асосида фильтрловчи ва электр изоляцияли материаллар ишлаб чиқаришда ўзига хос ютуқларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Ўзбекистон ўз миллий модели асосида тараққиётнинг юқори чўққиларини забт этишда давом этмоқда, — дейди «Ариптех» МЧЖ директори ўринбосари Ваҳоб Абдурахмонов. — Турли соҳаларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ҳамда модернизациялаш жараёнлари улкан муваффақиятларимиз омили бўляпти. Шу боис мамлакатимиз жаҳондаги ўз ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаб, ҳақли равишда дунё аҳли эътирофини қозонмоқда. Айниқса, кўплаб давлатларда ханузгача жаҳон молиявий-иқтисодий инкироз асоратлари тўлиқ бартараф этилмаган бир шароитда республикамиз иқтисодиётида ўсиш суръатлари даражаси ялпи ички маҳсулотда, саноатда ва қишлоқ ҳўжалигида ошиб



Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
Козим Ўлмасов олган сурат

# Адабиёт ва санъат

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» кафедрасининг тажрибали ва билимли катта ўқитувчиларидан бири Нодира Орипова ўз ҳамкасблари ҳамда талабалар ўртасида катта ҳурмат, эътибор қозонган. У дарсларни юқори даражада, ўз шахсий ўқитиш услубларини ҳамда янги замонавий педагогик технологияларни унумли қўллаган ҳолда ўтказишга эришмоқда.**

## Нишондорларимиз ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ САМАРАСИ

Нодира Орипова 1959 йилда Самарқанд вилоятида таваллуд топган. У 1966-1976 йилларда ўрта таълим мактабда ўқиди. Айни пайтда Каттақўрғон ўқувчилар саройига ҳам мунтазам қатнаб, тўғрақ раҳбари В.Васильчиковдан тасвирий санъатнинг дастлабки сабақларини олди. Сўнг 1976-1980 йилларда П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида Г. Моисеевдан таълим олишга муяссар бўлди. Бўлажак мусаввира ўқиш давридаёқ ўз интилувчанлиги, санъатга, ижодга нисбатан тегна нигоҳи билан алоҳида ажралиб турар эди. Шунинг учун у дастлабки рангтасвир асарларини ўша даврдаёқ яратиб бошлагани ҳам табиий ҳол эди. Билим олишга ўрта «чаққоқлиги» сабабли Нодира 1980-1986 йилларда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида, «дастгоҳли рангтасвир» бўлимида ўқиб, устозлари — таниқли мўкалам усталари В. Ковинин, Т. Оганесов, М. Саидов, Р. Аҳмедов ҳамда Н. Қўзибоевдан ҳар томонлама пухта билим олишга эришди. 1985-1987 йиллардан «Тасвир графика» ишлари «Муштур», «Саодат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» каби нашрларда чоп этила бошлади. Тасвирий санъат кўргазмаларига фаол қатнаша бошлаган мусаввира 1999 йилда Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар

сом-педагог Нодира Орипова Тошкент педагогика университетида 1988 йилдан бошлаб деярли 24 йил мобайнида талабаларга сабоқ бериб, самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг ютуқлари нафақат педагогика, балки мусаввириликда ҳам етарли даражада намоён бўлмоқда. Истеъдодли, маҳоратли мусаввира 1995 йилда Ёшлар ижодиёти марказида «Замондошларим» номи кўргазмада ўз асарларини кенг намойиш этган, 1999 йилда педагогика университети қошидаги галереяда шахсий кўргазмасини ташкил қилган, 2008 йилда ҳам Иқоу Хирояма номидаги Халқаро Маданият Карвон-саройида шахсий кўргазмаси бўлиб ўтган. «Кўксарой сирлари», «Рақс», «Парилар суҳбати», «Кўкламоим», «Сурхон гуллари», «Лайли», «Суворалар», «Анор», «Қашқадарёлик аёл», «Сирли суҳбат», «Қумғонли натюрморт», «Куз», «Хумсон», «Тераклар», «Баҳор» каби бир неча ўнлаб дилтортар, нафис, жозибали рангтасвир асарлари мутахассислар ҳамда санъат ихлосманд-

лари назарига тушган. У 2010 йилда нуфузли Халқаро «Тошкент — Биеналлеси»да «Шарқ маликалари» асари билан иштирок этиб, кўпчилик эътиборини қозонган. Айниқса, 2011 йил ижодкор учун энг самарали йил бўлди. Нодира Орипова ўтган йил март ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан намоийш этилган «Санъатдаги аёллар» номи кўргазмада муваффақиятли иштирок этди. Сўнгра «Корея — Ўзбек рассомлари ҳамкорлигидаги кўргазма»да қатнашди. «Ўзбекистон рассомлари Мустақилликнинг 20 йиллигига» деб аталган катта кўргазмада ҳам энг сара асарларидан бири «Нодирабегим портрети» намоийш этилди. Мустақилликнинг шонли 20 йиллиги байрами арафасида фаол, изланувчан устоз-мусаввира Нодира Орипованинг меҳнатлари эътироф этилиб Президентимиз Фармонларига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Бу мукофот албатта ижодкорга яна ҳам катта қанот бахш этиб, уни гўзал асарлар яратишга, самарали ижод қилишга ундаётган бўлиши шубҳасиз.

**Баҳром ТОЖИБЕВ,**  
рассом-педагог

**СУРАТДА:** «Дўстлик» ордени соҳиби Нодира Орипова ва унинг ижод намунаси.



**Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда.**

## МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январдаги «Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ушбу сиёсатнинг ёрқин ифодасидир. Мақсуд қарор асосида ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон музикалари намуналаридан баҳраманд бўлишлари учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич музика таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар музика ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шакллантириш кўзда тутилган.

Шу муносабат билан бугунги кунда музика алоҳида мамлакат, мустақил давлат маданияти сифатида нисбатан кенгроқ ўрганилмоқда. Зеро, замонамиз воқеликни янги, тинч фикр билан таҳлил ва талқин этишни талаб қилмоқда. Ўзбекистоннинг етуқ ва профессионал музика таълими ва маданиятининг асосчиларидан бўлган Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган музика академик лицейи (РИМАЛ) Ўзбекистоннинг музикага ихтисослаштирилган қадимий ўқув муассасаларидан биридир. 1927 йилда ташкил этилган ушбу музика мактаби Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 315-сонли қарорига асосан Республика махсус музика мактаби-интернатининг барча шарт-шароитлари сакланиб қолгани ҳолда Республика ихтисослаштирилган музика академик лицейи мактабига эга бўлди. Ҳозирда лицей қошида 1-9-синфлар учун махсус музика ва умумий таълим мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Лицейимизнинг асосий йўналиши музика бўлиб, бу ерда фортепиано, камонли-торли, дамли ва зарбли чолғулар, умумий ва кўнатирилган фортепиано, хор-дирижёрлик, ўзбек халқ чолғулари, назарий фанлар, яқна хонандлик, эстрада ва анъанавий ижрочилик бўлими фаолият юрлатади. — дейди музика ишлари бўйича директор ўринбосари Баҳодир Исманов. — Ҳозирда мактаб-лицейимизда Тошкент шаҳри ва республикамизнинг ҳар бир вилоят, ҳаттоки, чекка туманларидан келган 835 нафар ўқувчилар таълим олади. Ёшларнинг билимга, музикага қизиқишлари жуда юқори. Мустақиллик йилларида 200 нафардан зиёд ўқувчиларимиз республика ва халқаро кўриктанловларда қатнашиб, энг юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтишим жоизки, 2010-2013 йилларда бинони қайта реконструкция қилиш ҳақида қарор қабул қилинган. Бино қайта тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Янги жиҳозлар билан таъминланди. Буларнинг ҳаммаси ёшларимизни келажакда бугунгидан-дан юқори даражаларга эришишларида катта замин яратди ва кўмак беради. Шароитлари кўриб, биз катталарнинг ҳам хозирги ёшларга ҳавасини келди. Барча шароитларга эга замонавий ўқув масканида таълим олиш катта шараф.

Охириги йилларда ушбу мактаб-лицейида таълим олиш жараёнида дунё миқёсидаги кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ютуқларга эришиб келаётган ёшлар талайгина. — Келажакда композитор бўлмоқчиман, — дея сўз бошлади фортепиано бўлимининг 7-синф ўқувчиси Тоҳиржон Аскарлов. — 2007 йилда, яъни 10 ёшимда Италиянинг Агропол шаҳрида бўлиб ўтган «Le Muse», 2008 йилда Парижда бўлиб ўтган Н. Рубенштейн танловида, 2010 йилда Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «Storzando» IV Халқаро пианиночилар кўрик-танловларида голибликни қўлга киритдим. Бу ютуқларга эришимда менга катта ёрдам берган биринчи устозим Ирода Ибрагимов ва мени қўлаб-қувватлаган бошқа устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Дарҳақиқат, ёшларнинг тўлақонли или олишларида барча имкониятлар эшиги кенг очиб қўйилган. Бундан самарали фойдаланиш эса ўзимизга боғлиқ. Мақсадимиз эса ҳақиқатта миллиятимиз маъқени, маданиятини, санъатини юқори даражада кўтариш эканлигини унутмаслигимиз керак.

**НИГОРА ТЎЛАГАНОВА**

## Премьералар

### АСЛ ХАЗИНА

**Театр — маънавий ўчоғи, тарбия маскани, ҳаётимиз кўзгусидир. Кейинги йилларда пойтахтимиз театрларида кўплаб янги сахна асарлари намоийш этилиб, санъатсевар мухлислар томонидан муносиб баҳо олмақда.**

Жумладан, Муқимий номидаги Ўзбек Давлат музика театри жамоаси томонидан сахналаштирилган янги «Асл хазина» деб номланган спектакль янги — мустаҳкам оила йилида театр ихлосмандлари учун муносиб сова бўлди. Шукрулло Маҳкамов асари асосида сахналаштирилган мақсур спектаклнинг асосий гоёси инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, эзгулик, тўғрилик каби инсоний фазилатлари, ҳалол меҳнатни улуғлашдан иборат. Театр режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Фармонов сахналаштирган ушбу асарда оддий ўқитувчи Эсонбой ҳалол меҳнат билан яшаш тарафдори, унинг турмуш ўртоғи Эркиной эса аксинча, орзу-ҳавас деб меҳр-оқибатни бир четга суриб қўяди. Эсонбойнинг отаси вафотидан аввал ака-укалар уй талашиб юрмасин деб, ховли ўртасидан девор уриб беради.

Ака чет элда яшайди. Эркиной шу деворни бузиб, ўрнига фаввора қуришни эридан талаб қилади. Эсонбойнинг отаси тегна кўнмайди. Оилада жанжал бошланади. Эркиной фаввора қурилсагина келишини айтиб уйдан чиқиб кетади... Спектаклда асосий ролларни Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистар Меҳнонали Салимов, Гулчехра Носирова ва бошқалар маҳорат билан ижро этишган. Томошадан хулоса шуки, асл хазина бу — саломатлик, оиламизнинг тинчлиги, тотувлиги, ёнимизда яқинларимизнинг, дўст-қадрдонларимизнинг борлиги, бугунги оёсийишта ҳаётимизга шукроналикдир. Спектаклда турли хил ҳаётий воқеалар ривож томошабинни чуқур мушоҳада қилишга, эзгуликка ундайди.

**ДИЛРОМ ИКРОМОВА**

Дарахтлар уйғониб барг ёзган, ариқларда сувлар тўлиб-тўлиб оқа бошлаганда қишлоқ ўзгача фазл касб этади. Навбахор гўзаллиги, майса-гиёҳларнинг ёқимли бўйлари дилларга завқ бағишлайди. Шундай ажойиб кунларнинг бирида дўстимиз тутилган кунига йилгилди. Аёллар айвонда ўтириб, нималариндир ўзларича қизгин муҳокама қилишар, эркаклар эса чорпоёда олам таъшишларини унутиб, дона суришарди. Дўстимнинг доим кечикиб юришига ўрганиб қолганим учунми, уйда йўқлигига эътибор бермай, даврага қўшилдим. Вақт эса ўтиб борар, соат миллари кечки ўрни кўрсатарди. Уй эгасидан ҳамон дарахт йўқ. Ташаббуси ўз қўлимга олдим-да, меҳмонларни ҳовлининг ўртасидаги ясашилган столга таклиф қилдим.

Бугунги тантана нимага бағишланганини тўплаганлар шари билишса-да, кинриш ўзи билан яна бир бор эслатиб ўтдим, кейин табири кун учун сўзи биздан ёши улурғок, кун кеча меҳнат нафақасига чиққан, устига-устача кетмаган бўлса? Ахир шундай бўлганда ҳам унга айта олмайдими, бугунги кунни, оиласи, болалари, дўстлари кутаётганини! Йўқ, демак айта олмаган. Кўрққан, хафа қилиб қўйишдан кўрққан. Амал унга ҳамма нарсадан афзал. Йўқ-йўқ нима деганман ўзи? Дўстим ҳақида бундай дейишга қандай тилим борди. Бўлмаса, нега шу пайтгача келмайдим. Онасини кўрмаганига ҳам анча бўлибди. Бугун у бечора соғиниб, жи-

гарғўшасини бағрига босиб, табриклаш ниятида келганини билади-ку. Она фарзанди дийдорига тўйиш учун келганини наҳот ўйламаса?... Ҳаёлга берилиб кетибман шеклилли, қўшимнинг «раис, энди тарқалса бўладими», деганини ҳам эшитмай қолдим. У кинриги бор айтганидагина ўзимга келиб, соатга қарадим ўн иккидан ошибди. Кимга сўз беришни билмайман. Одатда охириги табрик сўз уй эгасига бериларди. У эса ҳақиқатга йўқ. Рафиқаси...

...Йўқ, у ҳозир гапиролмайди. Демак, сўзини онага бериш керак. Оназор ўзини тетик тутиб, ҳовлига чиқди, столга оқини келиб қўйди ва бизларга бир-бир назар ташлаб чиқди. Кейин ҳаммамизга соғлик, хотиржамлик, иқбол тилади, тинчлик бўлсин, деди. Уғлини йўқлаб келганимиз учун оила аъзолари номидан раҳмат айтди. Кўзлари ёшга тўлди. Энди кўз ёшларини она яширмади.

— Ҳамманглар қатори ўғлим ҳам омон бўлсин, келганларинг учун раҳмат болаларим! Биз тарқалдик. Уйга келиб ухлай олмадим. Кейин билсам биздан кейин она ҳам уйига кетибди. Хотира кун муносабати билан эрталаб мактабга таклиф этилган экан. Ҳа, ўшанда онанинг дили оғриган, каттик оғриган эди. Лекин она уни аллақачон кечириб юборган, бироқ дўстим шуни билармикан?! **Тўлқин КОЗОҚБОВ**

## ОНАИЗОР (шингил ҳикоя)

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қонуний шугулланиш истагидаги тadbirkorларни «Тошшаҳар-трансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

**Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устахоналари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.**

**Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича куйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

- «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тел.: 233-51-47
- «Тошавтобустрас» АК тел.: 234-90-36
- «Чукурсой» автокорхонаси» МЧЖ тел.: 248-05-56
- «Интер-транс-сервис» ҚК ОАЖ тел.: 272-89-47, 272-68-52
- «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ тел.: 290-70-17
- «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ тел.: 263-38-80
- «5-такси саройи» МЧЖ тел.: 280-60-54

### «КО'Р ТАРМОҚЛИ ҚО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ, БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 30.11.2011 йилдаги № 19579-80/26, 08.10.2009 йилдаги № 13436-38/22, 14.06.2011 йилдаги № 10155/12 ва 17.08.2011 йилдаги № 13036/22-сонли ижро ҳужжатларига асосан: 1.Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ю.Ҳамдам кўчасида жойлашган ер майдони 353 кв.м. ум. фойдаланиш майдони 124,68 кв.м., яшаш хоналар сони 4 тадан иборат бўлган 47-й (хонадон ховли) бош. нархи — 176 175 000 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қунаев кўчаси, Саудо растасида жойлашган, умумий майдони 57 кв.м. бўлган бир қаватли бино-дўкон, бош. нархи — 58 031 000 сўм. 3. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, С.Дарбоза кўчаси 202/2-й, ум. фойдаланиш майдони 45,24 кв.м., яшаш майдони 29,13 кв.м., 2-хонадан иборат бўлган 9-хонадон (турар жой) бош. нархи — 31 556 000 сўм. 4.Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманида жойлашган умумий майдони 484,0 кв.м., 1 ва 2 қаватли бино, бош. нархи — 312 500 000 сўм. 5.Миробод тумани СИБ томонидан 18.07.2011 йилдаги № 11980/22-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 3-й манзилида жойлашган, умумий майдони 136 кв.м. бўлган 5 хонали нотурар-жой, бош. нархи — 210 255 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 10 февраль кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 10 февраль кунини сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 2 март кунини бўлиб ўтишини аввалдан маълум қилимиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КО'Р ТАРМОҚЛИ ҚО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ нинг АТИБ «Ипотeka банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мулк-мулклар билан тегилши суд ик-рочилари бўлимининг вақили иштирокчида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегилши ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегилши ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

### «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, ФИБ Учтепа туманларидан суднинг 12.05.2011 йилдаги 722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри 8-сонли жарима майдончасида сакланган «Ласетти» русумли д/р 01У030ВА бўлган 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 43 920 000 сўм. **Аукцион савдолари 2012 йил 17 февраль кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2012 йил 10 февраль кунини соат 16:00. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ик-рочилари бўлими вақили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмада закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10% фойиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Сағбон филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

**МАХСУС ТАЪЛИМ:**

**ИЗЛАНУВЧАНЛИК,  
БИЛИМ ВА ТАЖРИБА**

**Олмасор туманидаги 106-анф эшитувчи болалар мактаб-интернатида «Махсус таълимни такомиллаштириш омиллари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Республика Халқ таълими вазирлиги, Таълим маркази ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети дефектология кафедраси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда пойтахтдаги махсус мактаб-интернатларнинг ўқитувчилари, жисмонан имконияти чекланган ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ юртимизда жисмонан имконияти чекланган ёшларнинг таълим-тарбия олиши, ўзларини жамиятнинг тўла ҳуқуқи аъзоси сифатида ҳис этиши, иқтидор ва салоҳиятларини намоён қилиши учун қатор сабб-ҳаракатлар амалга оширилади.

— Мен йиғилишда ўзимнинг «Дефектолог кадрларни тайёрлашнинг долзарб муаммолари» номли маърузам билан иштирок этаяман, — дейди кафедра мудири Лайло Нурмухамедова. — Соҳани такомиллаштириш, заиф эшитувчи ва нуқсда нуқсон бор болаларга замонавий таълим-тарбия беришнинг муҳим жиҳати бу кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор. Профессор-ўқитувчилар бўлажак сурдопедагогларга жисмонан имконияти чекланган ёшлар билан ишлашнинг ўзига хос мураккаб жиҳатларини ўргатиш баробарида, уларни психологик томондан тўри тушуниш, нима демакчилигини кўзига қараб илғаб олиш, муҳими улар билан муомала қилишнинг нозик тарафларини сингдиришга ҳаракат қилишди. Тўрт йил давомида талабалар пойтахтдаги махсус мактаб-интернатлари, жисмонан имконияти чекланган ёшлар таълим олувчи билим даргоҳларида амалиёт ўташди.

Айни пайтда жисмонан имконияти чекланган, ижтимоий, тиббий кўмакка муҳтож, мураккаб шароитда қолган болаларга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, жамиятга интеграциялашуви учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш давлатимизнинг доимий диққат марказида.

Тадбирда махсус таълимни риволантириш жараёнида кадрларнинг ўз устида ишлаши, метод бирлашма аъзоларининг таълим самарадорлигини ошириш йўлидаги вазифалари, ўқитувчи, тарбиячи ва сурдопедагогларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи атрофида муҳокама қилинди. Шунингдек, ўқувчиларнинг узвий ва эълуксиз таълим-тарбия олиши билан бирга маънавий тарбиясини юксалтириш, фаровон келажагини таъминлаш мақсадига тўғрақ ва машғуллар фаолияти таҳлил қилинди.

Семинарда махсус таълим мазмунини такомиллаштириш, жисмоний ёки психологик ривожланишида нуқсон бўлган болаларга ижодий кўмак бериш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касб-ҳунарга йўналтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди. Бу борада болаларнинг эшитиш қобилияти ва талаффузидаги нуқсонини бартараф этиш, мактабгача таълим, бошланғич таълим, юқори синфлардаги аниқ ва гуманитар фанларни узвий равишда такомиллаштириб бориш ҳамда махсус мактаб-интернатлари, метод бирлашма аъзоларининг таълим самарадорлиги йўлидаги ижодий ишларини оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда «Оптималлаштирилган ДТС ва ўқув дастурлари, коррекцион таълимнинг дарс самарадорлигини ошириш омиллари», «Таълим жараёнида замонавий педагогик технологияни қўллаш», «Махсус таълимни такомиллаштиришда сурдопедагогларнинг ўрни» мавзуларида маърузалар тингланди.

Мактаб-интернатида ташкил этилган фан ойликлари доирасидаги кўргазма, ўқувчиларнинг ўз кўл меҳнати эвазига яратган миллий либеллар намоёниши тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Азима ҚИЁСОВА,**  
**«Туркистон-пресс»**

**Ҳиндистонда ўн беш мамлакатдан келган уч юзга яқин шахматчи иштирокидаги «Chennai Open – 2012» халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди.**


**Шахмат**

**ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ – ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА**

Швейцария усулида ўн бир турдан иборат мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган гроссмейстер Марат Жумаев ва халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов еттинчи тур учрашувларини ҳиндистонлик шахматчиларга қарши ўтказди.

Истеъдодли ёш шахматчимиз Ж.Воҳидов Ниша Мохотага қарши партияда қора доналарда ўйнади ва партияни ўз фойдасига ҳал қилди. Халқаро гроссмейстеримиз М.Жумаев эса Бхуванеш Рамнатга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Беш яримтадан очко жамфарган ўзбекистонлик шахмат усталари совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.



**Теннис**

**ДЕНИСНИНГ УЧ ҒАЛАБАСИ**

**Австралиянинг Сидней шаҳрида Профессионал теннисчилар уюмаси (ATP) мусобақалари тақвимида кирувчи «Aria International Sydney – 2012» халқаро теннис турнирида дунёнинг энг кучли ракетка усталари ғолиблик учун куч синашмоқда.**

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Денис Истомин саралаш ўйинларидан муваффақиятли ўтиб, асосий тўр беллашувларига қўшилди.

Ўзбекистонлик теннисчи халқаро турнирнинг саралаш босқичида австралиялик Матт Рэйдни 7:5, 7:6, Адам Финейни 6:3, 7:6, чехиялик Ян Ҳажекни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Денис энг кучли теннисчилар иштирок этаётган асосий тўрдаги дастлабки баҳсида испания-

лик Пабло Андухарга қарши кортга чиқади.

Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Туркияда «Фьючерс» туркумидаги халқаро турнирнинг саралаш мусобақасида қатнашаётган яна бир теннисчимиз Сергей Шипилов биринчи учрашувда болгариялик Айкирт Сизгинни 6:4, 6:1 ҳисобида мағлуб этди.

**Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,**  
**ЎЗА шарҳловчиси**

**Соғлом турмуш тарзи кенг маъноли тушунча бўлиб, у унумли меҳнат, фаол дам олиш, бадантарбия ва спорт билан шугулланиш, гигиенага риоя қилиш, оқилона овқатланиш, зарарли одатлардан ўзини тийиш, ҳар йили тиббий кўриқдан ўтиб туриш ва шу каби бошқа кўплаб таркибий қисмлардан иборат. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси шуларни ўз турмуш тарзига татбиқ этса, соғлом ҳаёт кечиради.**

Соғлом турмуш тарзи — бу инсон организми ва у яшаётган муҳит қонуниятларидан келиб чиқиб, саломатлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлардан иборатдир.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг асосли хулосаларига қараганда тиббий хизмат инсон соғлиғининг 8-10 фоизини таъминлар экан. Соғлиқнинг 20 фоизи ирсий омилларга, 20 фоизи — атроф-муҳитга ва 50-52 фоизи — турмуш тарзига, яъни бевосита инсоннинг ўзига боғлиқ экан.

Тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиб туриш касалликларнинг олдини олишда ва уларни барвақт аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Экологик вазият — атроф-муҳит хавфсизлиги аҳоли саломатлигини сақлашнинг асосий омилларидан биридир.

Тоза ҳаво ва тоза сув — инсон саломатлигини сақлаш, унинг яшаши учун озиқ-овқат ҳамда бошпанадан ҳам муҳимроқ омиллар.

Ирсият ота-оналарнинг ўзига хос белгиларини навбатдаги авлодларга бериш хусусиятидир.

Ирсий омиллар организмнинг ички муҳити билан узвий боғланган бўлиб, ирсиятга ташқи муҳитнинг нуқулай, зарарли омиллари (радиация, экологик нуқулай шароит, зарарли одатлар — ичкиликбозлик, гиёҳвандлик) ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Ирсий касалликлар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Туғма (ирсий) касалликлар;
- Ирсий мойиллик туфайли содир бўладиган касалликлар.

Соғлом турмуш тарзининг асосий йўналишлари:

**Мутахассис маслаҳати**  
**СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ**

Шахсий гигиена — ҳар бир шахснинг бадан ва тана аъзолари — қўл, оёқ, юз, оғиз бўлиғи ҳамда кийим-кечак, оёқ кийим ва шу каби буюмларнинг озодлигини мунтазам равишда таъминлаш билан боғлиқ бўлган гигиеник муолажалардир.

Жисмоний фаоллик ва спорт билан шугулланиш — жисмоний тарбия инсоннинг ривожланиш имкониятларини кенгайтириб интизом, ирода, ушқоқлик, меҳнатсеварлик, юксак ақлий эътиқод ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик қимматли фазилатларни шакллантиради.

Организмни чиққитириш — уни нуқулай иқлим шароитлари, яъни иссиқ ёки совуқ таъсирга чидамлилигини ошириш тадбирлари йиғиндисидир.

Меҳнат қилиш билан дам олишни мувофиқлаштириш.

- Чарчаш — бу организм қисмлари ёки аъзоларининг бирор ишни бажариш жараёнида ўз эҳтиёжларини сарфлаш натижасида иш қобилиятининг сусайиб кетишидир.

- Узоқ давом этган ақлий меҳнат миани чарчатади ва мия ҳужайралари ҳам тормозланиб, дам олишга зарурат сезади.
- Уйқу меъёри 7,5 соатдан кам бўлмалиги керак.
- Яхши дам меҳнатга ҳамдам!

Тўғри овқатланиш — овқат рақсонда куйидаги озиқ моддалар: оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар ва минерал моддалар етарли даражада бўлиши керак.

Психогигиена ва психопрофилактика:

Стресс ва салбий омиллар — барча касалликларнинг сабабчиси. Асабийлашиш ва руҳий зўриқишдан ўзининг эҳтиёт қилинг. Руҳий осойишталик ва муомала маданияти.

Руҳиятга таъсир қилувчи омиллар:

Ижтимоий муносабатлар, яъни инсонларнинг муомаласи, феъл-атвори, ҳулки, одоби, маънавияти ва турмуш тарзимиз билан алоқадор бўлган муҳим талаблар.

Инсон руҳияти ва саломатлиги ўртасида улкан кучли, ҳаётий ҳамда табиий боғлиқлик мавжуд.

Соғлом тана, соғлом ақл, соғлом идрок, соғлом руҳ ҳар бир инсонда муштарак бўлиши шарт.

Чекиш ва алкоголь — бу бевақт касалликка олиб келадиган зарарли одатдир.

Соғлом турмуш тарзининг асосий талаблари куйидагича:

- оқилона овқатланиш;
- ҳаракатли турмуш ва бадантарбия;
- кун ва иш режимини биоритмик қонуниятлар асосида ташкил қилиш;
- соғлом оила ва жинсий гигиена;
- ўзаро муносабатларни яхшилаш;
- зарарли одатлардан тийилиш;
- атроф-муҳитнинг тозаллиги;
- метеорологик омилларнинг зарарли таъсирларидан ҳимояланиш;
- организм ички тозаллигини таъминлаш;
- бахтсиз ҳодисалар ва жароҳатланишлардан эҳтиёткорлик;
- соғлом турмуш тарзи бўйича билим ва малакага эга бўлиш.

Инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, қолаверса, узоқ умр кўришининг ягона йўли соғлом турмуш тарзи эканлигини англаб етиш вақти келди. Шунинг эслатиб ўтиш жоизки, соғлом турмуш тарзининг яна бир муҳим шарт, бу соғлом турмуш кечирувчи инсон билан дўстлашишдир.

**Азизбек НИЗАМОВ,**  
**Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали бўлим бошлиғи**



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

**ФАРЗАНДЛАР ОТА-ОНА ҲАҚИДА**

- Ақлли болалар ота-оналарини ҳурмат қилиб, кучлари етганча улар хизматида бўладилар. Ёмон сўз айтишдан, аччиқлиниб қарашдан ўзларини сақлайдилар.

Бир киши кечаси уйқудан уйғониб, ўғлидан «Сув бер», — деб сўради. Ўғли сув олиб келгунча отаси яна ухлаб қолган эди. Ўғли: «Отам балки яна уйғониб сув сўра», — деб ухلامасдан отасининг уйғонишини кутиб тонг отгунча ўтирибди.

Мана, адабли, тарбияли бола шундай бўлади. Ота-оналарининг иззат-ҳурмат қилишга, уларнинг олқишларини олишга ҳаракат қилинг. Ҳар бир бола ота-онани қилган насиҳатларини жон қулоғи билан эшитиб, насиҳатларига ҳар вақт амал қилиши керак. Ота-онасига озор бериб, уларнинг дилларини оғритадиган бола бахтли бўлмайди.

Байт:  
**Истайсанким етмасин сенга бало,  
Ота-онанга сира қилма жафо.**

- Ёшлиқда нима эксанг, қариганингда шуни ўрасан.

- Кексаларни ҳурмат қил, устидан кулма, бир куни вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартаясан.

Байт:  
**Ўшмисан, кексани сен ҳурмат айла,  
Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла,  
Кексага кўмак бер — суянган тоғинг,  
Буни тушунарсан қариган чоғинг.**

Ҳикоят:  
Бир йигит ўз отасини ҳақорат қилиб, урганини кўрган одамлар нафратланиб, у адабсиз ўғилга ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Йигитнинг отаси одамларни тўхтатиб:

— Биродарлар, ўғлимга ҳужум қилманг, бу ишда ўғлим эмас, ўзим айбдорман. Йигитлик вақтида кунлардан бир кун худди мана шу ерда отамни ҳақорат қилиб, урган эдим. Отамга қилган қилмишим жазосини энди ўзим кўриб турибман. Отамга қандай муомала қилган бўлсам, бугун ўшандай муомала ўз ўғлимдан қайтди. Нимани эксанг, шуни ўрасан, деб жуда тўғри айтганлар. Мен ота-онамни ҳурмат қилмадим, дилларини оғритдим, у муборак зотлар мендан норози бўлиб кетдилар, энди ўғлим айбдор эмас, биродарлар, айб ўзимда, деб ўқсиниб-ўқсиниб йиғлайди.

Йигит отасининг сўзларидан таъсирланиб, дод-фарёд қилиб кўз ёшларини тўқди. Дарҳол отасини кучоқлаб ўпиб, ундан узр сўради. Ота эмасми, у ҳам ўғлининг гуноҳини кечирди. Унинг кўз ёшларини артиб, кучоғига олиб эркалади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган халқ ҳам таъсирланиб, кўзларига ёш олди.

- Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.
- Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси:

Байт:  
**Бошни фидо айла ато қошига,  
Жисмини қил садқа ано бошига.**

- Яхши қариялар бор жойда одобли ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочи турадилар.
- Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.
- Темир қалъани ёшлар қилич ишлатиб йиқитсалар, қариялар фикр билан ағдарадилар.

(Давоми бор)

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
**ХАБАР ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳрида 12 январь кунини ҳаво ўзгариш туради, ёлғинчилик кузатилади. Шарқдан секундида 3-8 метр, секундида кучайган ҳаво 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3 даража илқ

ва кундузи — 7-9 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра, 12 январда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратлади. Атмосферани ифлослаштириш даражаси 1-3 фазилатли тахмин қилинмоқда, таъмиқдорли паст бўлади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2 сонли академик лицей буфетиде ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш учун танлов эълон қилинади. Маълумот учун телефонлар: 291-14-07, 293-01-91.